

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 6-aprel, payshanba

№ 15 (9231)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi



СЕНАТ РАИСИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева Жиззах вилоятида бўлиб, ҳудудларда аҳоли, хусусан, хотин-қизлар ва ёшлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Халқ орасига кириш, фуқаролар билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишларини тинглаш, одамларни қийнаб келаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг эҳтиёж ва талабларини қондириш, юртдошларимиз турмуш фаровонлигини таъминлашнинг асосий мезони бўлиб, бу мамлакатимиздаги ҳар бир катта-кичик зиммасидаги асосий масъулият, кечиктириб бўлмас долзарб вазифадир.

Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева Зомин туманидаги "Пешагор" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, ҳоким ёрдамчиси, МФЙ раиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторининг фаолиятини юқори баҳолади.

"Пешагор" МФЙга бириктирилган ҳоким ёрдамчиси Бобур Умурзоқов маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, жумладан, аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромади манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилишни, маҳаллада тадбиркорликни ривожлан-

тиришнинг ички имкониятлари, тадбиркорлик бўйича ихтисослашув ва меҳнат ресурсларини инobatта олган ҳолда, уни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишлар белгилаб олингани ва бу борада эришилган натижалар бўйича Сенат раисига батафсил ахборот берди.

Шунингдек, Танзила Норбоева доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларида ўқиган аёллар томонидан амалга оширилаётган ишлар кўргазмаси билан таништирилди.

Ҳозирда ҳудудда чопончилик, гулчилик борасида аёллар бандлиги таъминланганини Сенат раисига қизиқиш уйғотиб, бу хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этиб, келгусида ушбу йўналишни янада ривожлантириш бўйича ўзининг зарур маслаҳат ва тавсияларини берди.

**А.ҚАЮМОВ,
ЎЗА мухбири.**

Навоий шаҳридаги Маънавият ва маърифат марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов, Қонунчилик палатаси, вилоят, шаҳар ва бир қатор туманлар маҳаллий Кенгашлари депутатлари иштирокида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИДИР

Дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қозимжон Тожиев янгиланаётган Конституциямизга киритилган нормалар ва концептуал ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, Конституциявий қонун лойиҳаси билан амалдаги Конституциямизнинг моддалари 128 тадан 155 тага, унинг нормалари эса 275 тадан 434 тага кўпаймоқда. Конституциямиз қарий 65 фоизга янгиланиб, амалдаги 128 та моддадан 91 тасига концептуал ўзгаришлар киритилмоқда.

– Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди, – дейди К.Тожиев. – Муҳокамаларда олимлар, ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари, хориждаги ватандошларимиз, умуман, Ватанимиз

тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз фаол иштирок этиб, ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қолаверса, хорижий мамлакатлардаги ватандошларимиз билан видеоконференцалоқа этилди ҳамда уларнинг Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан таклифлари олинди. Ислохотларнинг мазмун-моҳияти юзасидан қатор хорижий давлатларда конференция ва давра суҳбатлари ўтказилиб, унда сиёсий доира вакиллари ва етакчи экспертлар иштирок этди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов иштирок этиб, Конституциявий қонун лойиҳаси турли экспертлардан, жумладан, лингвистик, юридик, гендер-хуқуқий, коррупцияга қарши, жамоатчилик ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлигига оид экспертлардан

дан ўтказилганлигини алоҳида қайд этди.

– Энг муҳими, янги таҳрирдаги Конституциямизда илгари амал қилиб келинган "давлат – жамият – инсон" тамойили "инсон – жамият – давлат" деб ўзгартрилмоқда, – дейди спикер Н.Исмоилов. – Конституциямизда жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инobatта олинган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар бир неча қаррага ортмоқда, ўз навбатида, давлатнинг ҳам халқ олдидаги мажбурияти бир неча бараварга ошмоқда. Чунки, Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишда "инсон манфаати ҳар нарсадан устун" деган мезон асос қилиб олинган. Шу бос Бoш Қомусимизни том маънода халқ Конституцияси бўлмоқда, десак хато бўлмайди.

Тадбирда бир гуруҳ маҳаллий Кенгашлар депутатлари сўзга чиқиб, Конституциявий қонун



лоийҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– Бугунги семинар ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, – дейди халқ депутати Кармана туман Кенгаши депутати Отабек Аслонов. – Янгиланаётган Конституциямизда давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлаштиришнинг, оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши мустаҳкамланмоқда. Албатта, оммавий ахборот воситалари янада фаол бўлиши учун уларга кенг имкониятлар ва кучли ҳимоя керак. Конституциямизга киритилаётган ушбу норма мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини янада юксалишига,

жамиятда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– Ўзим тиббиёт ходимиман. Лойиҳага тиббиёт соҳасига оид нормаларнинг киритилиши мени беҳад хурсанд қилди, – дейди вилоят Скрининг маркази директори Маҳфуза Ҳамроева. – Жумладан, аҳоли кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши лойиҳага киритилган. Умуман, лойиҳада аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар кўпайтирилмоқда. Бу халқимиз соғлигини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумотларга кўра, жорий йилда "Кафолатланган хизматлар пакети" қайта қўриб чиқилиб, унда 20 турдаги касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ қамраб олинди. Кўп учрайдиган 20 турдаги касалликлар бўйича бирламчи бўғиндаги бепул анализи турлари – 15 тадан 25 тагача, текширувлар – 10 тадан 20 тагача, дорилар – 64 тадан 90 тага оширилди.

Йигилиш иштирокчилари ўтказилаётган референдумни сўзсиз қўллаб-қувватлашларини билдириб, унинг мамлакатимиз изчил ривожланишида тарихий аҳамият касб этишини таъкидлади.

**Абдували БҮРИЕВ,
ЎЗА мухбири.**

9 апрель – Амир Темур таваллуди куни

БҮЮК САЛТАНАТ ВА УЛКАН ТАРИХИЙ МЕРOS

Бу йил Соҳибқирон Амир Темурнинг 687 йиллигини нафақат юртимизда балки халқаро миқёсида кенг нишонлаймиз. Амир Темурнинг сиймоси мангуликка дахлдор бўлиб, бутун башариятни эзгуликка чорлаб туради.

Соҳибқироннинг маънавиятга, илм-фанга қаратган юксак эътибори, бой илмий ва маданий мероси ислом динига қувват бергани ҳозирги кунда ҳам беқиёс аҳамиятга моликдир. Ана шу маънода олиб қараганда Амир Темурнинг давлат ва жамият бошқарувидаги улкан тажрибаси, бой маданий ва маънавий мероси, шахсий адолатпарварлиги нафақат ўз даври учун аҳамиятли бўлиб қолмасдан, балки, бугунги кун учун ҳам аҳамиятга моликдир. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Буюк Соҳибқирон Амир Темур

бобомиз Оқсарой пештоқиға "Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар широридир" деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улугвор гоя инсон кадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди".

Айниқса "Темур тузуклари" дурдона асар бўлиб, Амир Темурнинг маънавиятини юксалтиришда, давлатни адолат билан бошқаришда беқиёс аҳамиятга эгадир. Юртимизда "1996 йил – Амир Темур йили" деб эълон қилиниши, унинг ин-



соният тарихидаги улкан хизматлари ЮНЕСКО томонидан атрофлича эътироф этилганлиги ҳамда 1996 йил 22-24 апрель кунлари Парижда халқаро миқёсида Амир Темурнинг 660 йиллик юбилей тантаналари кенг нишонлангани тарихий воқеа бўлиб, Амир Темурнинг ўчмас хотирасига, жаҳон фани ва маданияти ривожланишидаги буюк хизматларига кўрсатилган юксак эҳтиром бўлди.

(Давоми 3-саҳифада)



УЙ-ЖОЙЛИ БЎЛИШ ИНСОННИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ

Уй-жойли бўлиш инсоннинг етарли даражада ҳаёт кечириши учун муҳим бўлган ажралмас ҳуқуқидир. Мазкур ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон декларацияси, Фуқаролик, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида қатор халқаро, шу жумладан, юқорида қайд этилган умум-башарий ҳужжатларни ратификация қилар экан, уй-жойли бўлиш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган чораларини қўриб чиқмоқда. Бу асосий иккита йўналишда амалга оширилмоқда. Хусусан, биринчидан, инсоннинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, иккинчидан, давлат томонидан ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжи бўлган шахслар томонидан уй-жойли бўлиш учун шароитлар яратиш.

ИНСОННИНГ УЙ-ЖОЙЛИ БЎЛИШ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 47-моддаси иккинчи қисмида ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг ҳамда у қўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши кафолатланганмоқда.

Дарҳақиқат, Утган йиллар давомида Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳуқуқий мулк ҳимояси, шу жумладан уй-жой мулкдорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI

ЁШЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ

ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Нукус ёшлар технопаркида интилувчан йигит-қизларга компьютер саводхонлиги, график дизайн, робототехника, 3D моделлаштириш, акселерация каби 9 та йўналишда сабоқ берилади. Маскан замонавий техника, лаборатория ва устакхона ускуналари билан таъминланган.

Айни вақтда ўқув курслари битирувчиларининг гоаялари стартап шаклига келтирилиб, "Бўлажак олим", "Technoways", "Start4 Region" каби танловларга 50 га яқин лойиҳа топширилган. Шунингдек, "Орол денгизининг қурғоқчил ҳудудда уруғчилик плантациясини ташкил этиш" мавзусида умумий қиймати 955 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу денгизнинг қуриган тубидаги ерлардан фойдаланиш, сувни тежаш ҳамда тузни камайтиришга хизмат қилади.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Халқ фаровонлиги, юрт ободончилиги, илм-фан ривожига, давлат бошқаруви ва ҳарбий стратегия соҳасидаги барча-барча ишлари дунё халқлари томонидан эътироф этилган

(Боши 1-саҳифада)

Дунё аҳлининг Амир Темурга кўрсатган бўлиши юксак эҳтиром билан қўрилган юксак эҳтиром бўлди. Соҳибқирон мўғуллар истибодига барҳам берган, ягона марказлашган қудратли давлат ва армия ташкил этди. У ҳам ички ва ташқи сиёсат соҳасида ўз замонасининг энг етук давлат арбоби, моҳир дипломат, лашкар-бошииси даражасига чиқди.

Мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлиги йўлида муҳим ишларни амалга оширди. Самарқанд шаҳри Амир Темур салтанатининг пойтахти сифатида эътироф этилган, шаҳарнинг кўрки тубдан ўзгариб борди. Шаҳар атрофида барпо этилган Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилқушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав каби ажойиб боғлар бунёд этилди. Шаҳарнинг атрофида ўша даврда номлари машҳур бўлган мусулмон давлатларининг шаҳарлари номлари билан аталувчи Миср, Султония, Дамашк, Бағдод каби шаҳарлар барпо этилди.

Мўғуллар зулми даврида вайронга айланган Самарқанд шаҳри Амир Темур томонидан ўзининг қадимги ўрни Афросиёбдан бир қадр жаноқроқда янгидан барпо қилинди. Шаҳар атрофи мустаҳкам қалъа билан ўралди. Унинг атрофида Шайхзода, Чорсу, Оҳанин, Қоризгоҳ, Сузангарон ҳамда Феруза каби 6 та дарвоза ўрнатилди. Шаҳар арқиди Амир Темурнинг қароргоҳи Қўқсарой ва Бустонсаройлар қурилди. Қўқсарой 4 қаватдан юқари бўлиб, гумбазлари ва деворлари зангори қосинлар, нақшинкор ва гулдор парчинлар билан қоплангани учун у шундай номда айtilган. Қўқсаройда хонларни подшолик тахтига ўтказиш маросими пайтида уларни оқ кигиз устига олиб ўтказадиган тошдан тахтакурси – Қўқтош қўйилган. Бундан ташқари, арқда қурол-яралар устaxonаси, давлат ишлари девонxонаси, тангалар зарб этиладиган зарбхоналар мавжуд бўлган. Самарқандда бўлган Испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо маълумотларига кўра ўша даврда Самарқанд аҳолиси 150 минг кишини ташкил этган. Шаҳар атрофидаги барпо этилган боғларда сайиллар ўтказилган. Унда шаҳар аҳолисининг барча қатламлари қатнашган. Шаҳар атрофидаги саройларда, боғларда тўй маросимлари ва меҳмондорчиликлар ўтказиб турилган.

Дарҳақиқат, Амир Темур Самарқандни дунёдаги машҳур шаҳарлар даражасига кўтарган. Унинг шухратини жаҳонга машҳур ва маълум қилган. Дунёнинг машҳур олим-у, фузалоларини тўплаб, илм-фан тараққиётининг марказларидан бирига айлантирган. Шу боис, Самарқанд шаҳри ҳозирги кунда ҳам дунёнинг турли минтақаларидан ташриф буюрувчи сайёҳлар диққатини ўзига

БУЮК САЛТАНАТ ВА УЛКАН ТАРИХИЙ МЕРОС

тортиб келмоқда.

Унда бунёд этилган Шоҳи Зинда меъморий ёдгорликлари мажмуасининг Шодимулк оғо, Ширинбека оғо мақбаралари, Бибиxоним жомеъ масжиди, Гўри Амир мақбаралари жаҳон аҳлини ўзига ром этиб келмоқда. Самарқанд шаҳри Амир Темур ва Темурийлар давлатининг пойтахти сифатида дунёга донги кетди. У дунё халқлари цивилизациясида ўзининг бетакрор ўрни билан ажралиб туради.

Мовароуннаҳрдаги бундай тарихий маданий ўзгаришлардан Шаҳрисабз ҳам четда қолмади. Амир Темур ўзи туғилиб ўсган юрт сифатида Шаҳрисабзга алоҳида эътибор қаратди. Амир Темур даврида Шаҳрисабз Ўрта Осиёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Маълумки, Соҳибқироннинг марказлашган қудратли ҳокимиятининг асосини унинг армияси – қўшинлари ташкил этган. Айнан ана шу қўшинларнинг муҳим бўғини Шаҳрисабздаги аҳолини асосини ташкил этган барпос уруғларидан иборат бўлган. Амир Темур жаңговар ҳаракатлардаги жасорати учун барпос амирлари ва лашкарларига алоҳида эътибор кўрсатиб турган.

Амир Темур даврида Шаҳрисабз мустаҳкам бир шаҳарга айланди. Аниқ режа асосида барпо этилган кўчалари бўлган ҳамда бу кўчалар савдо маркази, бозор, ҳаммом қабилар билан боғланган. Бу шаҳар бутун Кеш вилояти аҳолиси ва четдан келганларнинг диққатини ўзига жалб этган. Шаҳрисабзни ўраб турган қалъа деворларининг тарихи шундан далолат берадики, Амир Темур даврида барча томонларда миноралари бўлган яхлит ҳимоя деворларини бунёд этишда жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилган. Шаҳрисабз ҳимоя деворлари қурилишида қўлланилган қаватли паҳса услуби Кешга хос бўлиб, кейинги даврларда ҳам беклар қалъалари қурилишида қўлланилган.

Бу даврда, айниқса, хунармандчиликнинг ниҳоятда ривожланганлигини кузатиш мумкин. Қазималар натижасида қулоччилик хумдонлари ва қулоччилик буюмлари топилган. Шаҳрисабздаги бундай идиш намуналари юксак хунармандчилик маҳорати билан тайёрланган. Меъморчилик

иншоотларида қошинлар ўша ерда тайёрланган. Шаҳар атрофида ҳам қурилиш ишлари жадаллик билан борган.

Шаҳрисабзда Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган барча иморатлар Шаҳрисабзнинг умумий режасига боғлиқ равишда жойлашган. Шаҳрисабз хисорининг (шаҳарнинг ички қисми) умумий тузилиши тўрт дарвозадан бошланиб, шимолдан жанубга ва шарқдан ғарбга томон бир-бирини кесиб ўтган ҳамда марказда бир-бири билан боғланган. Ўрта Осиёнинг айрим шаҳарларида бўлганидек, кўчалар туташган марказда асосий бозорнинг гумбазли растаси жойлашган бўлиши эҳтимол. Шаҳар бозорлари асосий кўчалари ёқаси бўйлаб дарвозаларга қадр давом этган бўлиши мумкин. Амир Темур даврига қадр қурилган умумшаҳар жомеъ масжиди шаҳарнинг жанубий қисмида, хунармандлар, шу жумладан, чармгар (қўнчи)лар ва қуллоллар маҳаллаларига яқин жойлашган.

Шаҳрисабз ўзининг энг гуллаб яшнаган даври – XV асрда зич қурилган, обод шаҳар бўлиб, гўзал бинолар ва боғларга эга эди. Шаҳар майдони 5 км.га тенг бўлган қалъа девори ва хандақ билан мустаҳкамланган. Ўрта асрларда Шаҳрисабзнинг диққатга сазовор жойлари таърифи 1404 йилда шаҳарда бўлган Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихо кундаликларида баён қилинган. Баланд Оқсаройнинг гумбазларидан туриб Шаҳрисабзни кенг миқёсда кузатиш мумкин бўлган. Бунга Клавихо ҳам ўз эътиборини қаратади: “Ушбу шаҳар текисликда жойлашган. Унинг барча томонларидан қўллаб ирмоқлар ва каналлар оқиб ўтиб, шаҳар кўп сонли боғлар ва уйлар билан ўралган”. Дарҳақиқат, Соҳибқирон муҳташам бинолар, бой маънавий ва илмий мерос давлатнинг шон-шухратини оширишга хизмат қилишини ўз вақтида тушуниб етган. Амир Темур томонидан Шаҳрисабзда бунёд этилган Оқсарой буюк иншоотлардан ҳисобланган. Унинг баландлиги 70 метр бўлган. (Ҳозирги кунда унинг баландлиги 38 метр). Соҳибқирон фармонида кўра унинг пештоқида “Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ!”, деган умрбоқий ҳаётий сўзлар битилган. Оқсарой



биноси қурилиши ҳақида бир қанча маълумотлар ҳам мавжуд. Уларнинг бирида айтилишича, Амир Темур ўзи туғилиб, ўсган Шаҳрисабзда улкан иморат барпо этишни режалаштиргач, бош меъморни қақриб унга фикрларини баён этади. Шунда бош меъмор ўзини давлат хазинасига элтишларини сўрайди ва Соҳибқироннинг кўзи олдида тилларнинг лой билан қориштириб гишт ясади. Бу гишларни бўлажақ бионинг пойдевори учун ишлатишини айтади. Шундан сўнг бу ерда ҳозир бўлган Амир Темур ўз ишини бамайилхотир қузатганини кўрган бош меъмор гишларни сийдириб хазиначига қайтаради. Нима учун бундай қилдинг, деган саволга бош меъмор Соҳибқироннинг улкан ва гўзал иморат барпо этиши қандай кўришга қўлчи эканлигини кўриш ва бундай кўркем иншоот барпо этиш жуда катта харажатлар талаб этса ҳам Соҳибқирон бу харажатларга рози эканлигини ишонч ҳосил қилиш, шундан кейингина қурилиш ишларини бошлаши мумкинлигини айтган экан.

Яна бир маълумотда айтилишича, Оқсарой қурилишининг дастлабки ишлари туғши биланоқ, Амир Темур худди билан бинони рангдор, ялтироқ қопламалар билан безаш ҳақида меъморларга кўрсатма беради. Шунда бош уста марказий гумбазнинг деворига одам бўйича, лекин ерга тегмайдиган қилиб занжири осиб қўяди ва ўзи кетиб қолади. Бош меъморнинг ўрнига ишлаш учун маъқул одам топилмагач, Оқсарой биносининг

дастлабки қолама ва безаш ишлари вақтинча тўхтатилади. Орадан икки йил ўтгач кетиб қолган бош меъмор қайтиб келади ва Оқсаройга бориб ўзи қўйиб кетган занжирни текшириб унинг пастга тушганлигига ишонч ҳосил қилади. Шундан сўнг у Соҳибқирон хузурига бориб бинога безаш ишларини бошлашга рухсат сўрайди. Нима учун ташлаб кетдинг деган саволга бош меъмор “агар кетмаганимда бино чўкиб, ўз ўрнида жойлашмаган бўлар эди. Икки йил давомида иморат ўз огирлиги билан чўкди, ерда текис жойлашди, энди бемалол безаш ишларини давом эттириш мумкин”, дея жавоб берган экан. Саройни меъморий безашда нақшинкор усулларда битилган диний-фалсафий ёзувларга алоҳида эътибор берилган. Ҳозирги кунга келиб қўпгина араб ва форс тилларидаги ёзувлар ўқилиб таржима қилинган. Хусусан, Оқсарой пештоқларида битилган “Султон – Аллоҳнинг ердаги соясидир”, “Адолат – давлат асоси ва ҳукмдорнинг шиоридир” каби ёзувлар ўз аксини топган. Оқсарой ўрта асрлар ўрта Осиё, Афғонистон ва Эрон меъморчилигининг улкан ютуқларини ўзида муҷассамлаштирган. XI-XII асрларда бунёд этилган Термиз ҳокимларининг саройи Оқсаройга ўхшаб кетади. Шунингдек, XI асрда Салжуклар ҳукмронлиги даврида бунёд этилган Марвадаги Шахриёр – арқ ҳокимининг саройи, газнауийларнинг Афғонистондаги XII асрда оид лашкаргоҳ саройлари Оқсарой кўринишини гавдалантиради.

Хуллас, Амир Темур даврида Самарқанд, Шаҳрисабздан ташқари Бухоро, Тошкент ва салтанатнинг бошқа худудларида бунёд этилган ноёб меъморий обидалар ўтмишимизнинг бой маданий меросидан далолат беради. Унинг халқ фаровонлиги, юрт ободончилиги, илм-фан ривожига, давлат бошқаруви ва ҳарбий стратегия соҳасидаги барча-барча ишлари дунё халқлари томонидан эътироф этилган. Зеро, Амир Темурнинг буюк хизматлари умуминсоний манфаатларга хизмат қилиши баробарида юртимизнинг янада равнақ топиши учун мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Ҳасимали АЗИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори в.б.



Баҳор! Баҳорим! Мен сени ҳаммадан ҳам кўпроқ яхши кўраман. Бу шунчалик кучли муҳаббатки, уни ифода этишга, тасвирлашга тил ҳам, қалам ҳам оқиз. Бу шунчалар кучли туйғуки, ташна инсон бир қултум сувга қанчалар зор, жони узилаётган банди бир кунлик, бир соатлик ҳаётга қанчалар мушқоқ эканлиги сянари.

“Кетма, баҳор, кетма, менинг боғимдан...”

Баҳорим! Яратганнинг беадад ва беҳисоб мўъжизалари гўё сенда намоён: қаҳратоннинг қаҳридан озор чеккан дов-дарахларга, қир-адирларга қайтадан жон ато қиласан. Қоронгу қишдаги тушкунликдан толиққан одамзотга, ҳайвонот оламига қуёшинг тафти ила ёруғлик, иссиқлик бахш этасан. Қоп-қора, жигарранг кўтир новдаларни оппоқ, пушти гулларга буркайсан. Асаларилар, капалақлар гуллар ифоридадан маст бўлиб, атрофида бошлари айланади.

Феълри ўзгарувчан, инжиқ ва нозиклиги, нозиктаъблиги учунми қизларни баҳорга ўхшатишди. Ҳақиқатан бу гўзалликка йўрғакланган фаслда гул-баҳорлар, навбаҳорлар, нилуфарлар, гулнорлару гулчехралар туғилмаваради. Кези келганда бир нарса ёдга тушиди. Ўзбекининг буюк шоири Абдулла Орипов “...Колумбда бор алашим мамим, Ўзбекистон – Ватаним мамим...” деб ёзганини биламиз. Менинг эса яқин ўтмиш замонининг машҳур шоири ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниезийда “...алашим бор... десаммикан, ишқилиб, исмимининг Гулбаҳор бўлмаганига шу одам айбдор! Раҳматли онажонимиз гўзалликка ошно, кўнгиллари латиф инсон эдилар. Атиргуллар очилганда дунёга келишини гумонлаб юрган онажоним исмимининг Гулбаҳор деб қўймоқчи эканлар. Ўша пайтларда уйимизга маҳаллада биринчи бўлиб ойнаи жаҳон – телевизор олиб келинибди. Эшитишимча, қўни-қўшни хотин-халаж ҳар кун оқшом бизникига чиқишар, телевизордан концерт, кино томоша қилишар экан. (Бу ҳолни уч-тўрт ёш бўлганимдан элас-элас эслайман).

Иттифоқо шундай кунларнинг бирида ойнаи жаҳонда Ҳамза Ҳакимзода Ниезийнинг “Бой ила хизматчи” спектакли намойиш қилинибди. Унда Солиҳбойнинг ўртанча хотини Гулбаҳорнинг чақалоғини катта кундоши Хонзода тоғорадаги қайноқ сувга ташлаб нобуд қилади. Фарзанд доғида қуйиб адо бўлган Гулбаҳорнинг ақлдан озиши, қуруқ

кўрпачани йўрғаклаб, бағрига босиб “боласига” алла айтиши томошабин аёллар қаторида онажонимизга ҳам қаттиқ тасвир этибди. Шундан сўнг қиз туғилса, бундай ой қўймайман, деган қарорга келибдилар. Кўп ўтмай янги меҳмон ҳам дунёга келибди-ю лекин унга Гулбаҳор деб исми қўйилмабди. Аммо у умр бўйи исми гул ва баҳор билан боғлиқ қизларга ҳавас билан ўтаёттибди.

Ана шунақа. Баҳорга бўлақча муҳаббатим эҳтимол, атиргуллар очилган чоғда туғилганимдир. Яна биламдими... У қилиб, бу қилиб интиқиб қутилган баҳорнинг ҳам бир ойини ўтказиб юборибмиз. Наилож, вақтга ҳеч кимнинг ҳукми ўтмайди. Баҳорни осмоннинг устунига боғлаб қўйиб, ўн икки ой унга термулиб ўтириш мумкин эмас. Озгина фурсатдан кейин жазирама ёз, кейин қўйни-қўнжини тўлдириб, рангларини сарғайтириб куз кириб келади. У ёғи эса яна қиш. Кимгадир дам, кимгадир ғам. Хуллас, табият қонуни мангуга ўзгармайди...

Шу каби хаёллар билан олма дарахтининг нафармон гулларига тикилиб, хаёл суриб турсам, чўнтакдаги телефонимга “тринг” этиб хабар келди. Очди. Курсдошлар гуруҳида ўзбекининг булбули бўлмиш Шерали Жўраевнинг талабаликдаги машҳур қўшиғини илнинди. Қўшиқ чала қолган, тасвирига ожизлик қилган фикрларимга нафас бағишлади:

...Майсадаги шудринлар – кимларнинг кўз ёшлари,
Гўёё билан қопланмиш кўҳна қабр тошлари.
У ерда ётар отам, ёёкур элатдошлари,
Ҳар баҳор эслармикан қовму қариндошлари.
Кетма баҳор, кетма менинг боғимдан...

Рислиқхон МАЖНУНОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ОЛТИАРИҚДА ҚУЛУПНАЙ ФАРҚ ПИШДИ

Фарғоналик миришкор деҳқонлар, томорқачилар довуруғи оламга ёйилган. Айни кунларда улар етиштирган сархил резавор мевалар қиш-қировли, совуқ ўлкаларга етиб бориб улгурди. Ҳайрат ва ҳавас ила кўзларни қувнатишни бошлади.



Олтиариқ азалдан тadbирли деҳқонлари билан танилган. “Янги-араб” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Бахтиёр Турсунов тadbиркорлик билан деҳқончиликни уйғунлаштира олганлардан. Замонавий технологияларни амалиётда жалб қилган ҳолда, томорқасидан мўл даромад олишнинг ҳадисини ўзлаштирган.

– Томорқа – хазина, деб бежиз айтмайдилар. Меҳр бериб ҳаракат қилинса, меҳнатнинг роҳати нақд, – дейди Бахтиёржон. – Отам бошчилигида 6 сотихлик иссиқхона бунёд этганмиз. Яримда қулупнай, қолганида бодринг парваришляёмиз. Наврўз кuni қулупнайнинг илк ҳосилини бозорга олиб чиқдик. Килоси 80 мингдан 120 минг сўмгача сотилипти.

Иссиқхонада “Чарли” навли ку-

лупнай етиштириляпти. Томчила-тиб суғориш воситасида парваришляёпти. Томорқа эгасининг айтишича, май ойининг охиригача қулупнай мавсуми давом этади. Августда эса янги новда-шоҳларни саралаб, кейинги йил учун экилади. Эътиборли жиҳати, умуман кимёвий воситалардан фойдаланишлямайди.

– Иссиқхонадаги қулупнайни чанглаштир учун асаларилар зарур, кимёвий воситалар эса бунга тўсқинлик қилади. Шунинг учун фақат витаминлар билан озиклантириляди. Қолаверса, хорижга экспорт қилишда

маҳсулотнинг биологик тоза эканлигига эътибор қаратиляди, – дейди миришкор деҳқон. – Деҳқончиликка оид қўлланмалар, интернетдаги маълумотлар билан мунтазам танишиб борамиз. Маъқулидан фойдаланамиз, йил давомида синовдан ўтказамиз.

Бу борада уни “қишлоқдаги олим” дейиш мумкин. Ҳар бир детал, парвариш усули ҳақида илмий хулосалари, ўз фикри бор Бахтиёржоннинг. Бу эса йиллар давомида олиб боришга тажрибалар, кузатувлар натижаси деб бемалол айтиши мумкин.

ЎТ ўЧИРУВЧИЛАРНИНГ КИЙИМИ

ЁНМАЙДИМИ?

“Ёнғин содир бўлганида олов ичидан одамларни олиб чиқаётганингизда кийимларингиз ёниб кетмайди? Ёнғин бўляётган жойга сувсиз бориш ҳоллари ҳам учрайди? Ёнғин содир бўлган жойга неча дақиқада етиб борасизлар?...”



Очиғи, тушунтириш ишларини олиб бориш учун таълим муассасаларига йўл олганимда ўқувчилардан бу каби жуда кўп саволлар тушади, деб ўйламагандим. Уларнинг қизиқишларидан хурсанд ҳам бўлдим. Чунки ўқувчилар бефарқ эмас эканлар. Улар билан бўлган савол-жавобларимиз эса ўқувчиларнинг бу борадаги тушунчалари анча кенг эканлигини кўрсатди.

Тошкент педагогика коллежида техникларимизни олиб борган ҳолда ўтқазган сўхбатларимиз ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Асосийси, ўқувчилар ўт ўчириш машинасининг тузилиши ва ишлаш жараёни билан яқиндан танишиб, бу борада етарли

тушунчаларга эга бўлдилар. Тумандаги бир қатор таълим муассасаларида ўтқазилган бундай учрашувлар ўқувчиларнинг ёнғинлар ва ис газидан заҳарланишларнинг олдини олиш борасидаги тушунчаларини янада оширишга хизмат қилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бундай тadbирлар ой давомида бошқа таълим муассасаларида ҳам амалга ошириляди.

Маълумки, республикамизда 1 мартдан 1 апрелга қадр Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси оилгига ўтказилди. Бундан қўзланган мақсад ёнғинларнинг, ис газидан заҳарланишларнинг олдини олишдир. Аҳоли ҳамда мактаб

ўқувчилари ўртасида олиб бориляётган тушунтириш ишлари ўз самарасини беришига умид қиламиз. Борган жойимизда туманимизда юз берган ёнғинлар ҳақида маълумот бериб, унинг сабабларига тўхталяёмиз. Фуқароларни очиқ оловдан фойдаланмаслик, болаларнинг гуғурт ўйнашига йўл қўймазлик, газ плиталар устида кир қуришмасликка, ёнғиндан сақланиш қоидаларига қатъий риоя этишга қақирамиз. Ҳар бир ота-онанинг ўзи, аввало, бу борада етарли тушунчага эга бўлса ва фарзандига ҳам буни эринмасдан ўргатса, ёнғинларнинг олди олинди.

Жасур УМАРОВ,
Чилонзор туман ФВБ П ва НБ инспектори.

КАС – мўл ҳосил олишнинг муҳим омили

Реклама

КАС (Карбамид ва аммиакли суюқ эритма)

ТС 00203068-06:2014 (Код ТН ВЭД 310 280 0000)

КАС – суюқ самарали азотли ўғит бўлиб, нитрат, аммоний ва амид азотлардан ташкил топган. Барча қишлоқ хўжалиги ўсимликларига фойдали, асосий озиклантириш ва қўшимча ўғитлаш энг самарали натижа беради.

КАС эритмаларини шудгорлашдан олдин, чигит экиш билан бир вақтда ва ғўзани озиклантиришда, шунингдек, суғориш сувлари билан қўллаш мумкин. Шундай қилиб, КАС ўсимликларни азот билан узоқ вақт озиклантиришни таъминлайди. КАС таркибида эркин азот йўқлиги сабабли, у тупроққа солинганда атмосферага бугланиб кетмайди, лекин аммоний шаклининг мавжудлиги, айниқса юқори ҳарорат шароитларида ва солинганда сўнг ёгин-гарчиликлар бўлмаганда, нам тупроқ тортилишини талаб қилади.

Ушбу универсал ўғитнинг ишлатилиш тартиби унинг яна бир афзал жиҳатини намоён этади. “КАС” (таркибида 28-30% азот бор) дон ва бошоқли экинларга фақат экишдан олдин солинади. КАС эритмаларига коррозия ингибитори сифатида 0,5% NH3 ва 0,2% P2O5 аммоний фосфат ҳолида қўшилади.

Суюқ минерал ўғитлар ўсимликларга худди қаттиқ ўғитлар каби таъсир кўрсатади.

Карбамид аммиакли аралашманинг яна бир афзал жиҳати унинг сақланишидир. Идишларга қадоқланган суюқ эритма узоқ муддат сақланади. Шунингдек, айнан шу жиҳат уни ташишда ҳам қўлайлик яратади, яъни уни ташишда меҳнат сарфи 2-3 баробар камаяди. Бунинг нафақат ишлаб чиқарувчилар учун балки, харидорлар-деҳқонлар учун ҳам бир қатор фойдали жиҳатлари бор. Минерал ўғитни салқин, қуруқ ва болалар қўли етмайдиган, озик-овқат маҳсулотларидан алоҳида жойда сақлаш лозим. КАС 1, 10, 20 литрли идишларда, цистерналарда ёки истеъмолчининг истагига биноан бошқа идишга солиб бериш имкони ҳам мавжуд.

КАС МИНЕРАЛ ЎҒИТИНИ ҚўЛЛАШ МЕЪЁРЛАРИ Ғўзага илдиз орқали қўллаш:
• чигитни экишдан олдин – 20 кг/га; (килограмм гектарга)
• икки – уч чин барг чиқариш даврида – 40 кг/га;
• шоналаш даврининг бошланишида – 70 кг/га;
• гуллаш даврида – 70 кг/га меъёрга (соф азот ҳисобида) қўлланилганда, пахтадан юқори ҳосил олиш таъминланади.

Ғўзани барг орқали озиклантиришда (суспензия ҳолида):
• 2-3 чин барг чиқариш даврида – фақат 5,0 л/га КАС (физик ҳолатда);
• шоналаш даврида – 7,0 л/га КАС + 4,0 кг/га хлорли калий;
• гуллаш даврида – 11,0 л/га + 9,0 кг/га меъёрга супрефос аралашмаларини ишлатиш тавсия этилади.

Кўзги бугдойга илдиз орқали қўллаш:
• тўла тупланиш даврида – 80 кг/га соф азот ҳолатида;
• найчалаш даврида – 120 кг/га меъёрида қўлланилганда, қўшимча 12,3 ц/га ғалла олиш имконини беради.

Кўзги бугдойга барг орқали қўллаш (суспензия ҳолида):
• тупланиш даврида – 6,0 л/га КАС + 6,0 кг/га супрефос (физик ҳолатда);
• найчалаш даврида – 9,0 л/га КАС + 5,0 л/га хлорли калий;
• сут-мум пишиш даврида – 12,0 л/га меъёрида қўллаш тавсия этилади.
Юқорида кўрсатилган меъёрлар – 300 л/га нисбатда сувга аралаштирилган ҳолда сепилади.

Бошқа қишлоқ хўжалик экинлари учун КАС минерал ўғитини қўллаш меъёрлари:

- Картошкага:**
• баҳорда культивациядан олдин ва чиққан экинларни эрта озиклантиришда - 100-130 л/га;
• кечки навлар учун - 150-180 л/га.

Бошқа сабзавот экинларига эса КАС қуйидаги меъёрларда қўлланилади:

- карамга – 150-190 л/га;
• бодрингга – 150-180 л/га;
• помидорга – 150-180 л/га;
• пиёзга – 100-150 л/га;
• сабзига – 100-150 л/га;
• гулларга – 50-100 л/га;
• Дон, бошоқли ва бошқа тўрт қаторли экинларга КАСни фақат экишдан олдин 100-130 л/га қўлланилиши тавсия этилади.

Сув танқислиги сезилаётган йилларда обиҳаётни тежаш, ундан оқилона фойдаланишда тахриблар, авандоз усуллар амалга ошириляпти. Бунда экинни баргидан озиклантириш энг яхши усуллардан бири эканлиги равшанлини бормоқда. Таъкидлаб ўтганимиздек, “КАС”ни суспензия шаклида ишлатиш мумкин. Ана шундан келиб чиқиб, қорхона мутахассислари республикамизнинг сув кам ҳамда обиҳаёт танқислиги сезилаётган ҳудудларида ана шу эритмани оммалаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Суспензия усулидан фойдаланиш ўсимлик озикқа моддаларни барг ва поялари орқали ўзлаштиришига олиб келади. Барг сатҳига тушган суспензия ўсимлик тўқималарига сўрилиб, унинг ўсиши ва ривожланишини яхшилайди.

Суспензия усулидан фойдаланилганда ўсимликда қуйидаги афзалликларнинг намоён бўлиши кўзда тутилган:

- Суспензиялаш жараёнида барглار қалинлашади;
• Баргда хлорофиллар миқдори кўпаяди;
• Фотосинтез жараёни жадаллашади;
• ўсимликнинг сўрувчи ҳашаротларга бардошлилиги ошади;
• Экинларнинг тез ва бир маромда пишиши тезлашади;
• Ҳосилдорлик кўрсаткичи ошади.

КАС самарали суюқ ўғитидан фойдаланиш ўз натижасини бериб, ерларнинг унумдорлиги, ғўза, бугдой ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли ошишига олиб келди.

Халқимизнинг “Ерни боқсанг – ер сени боқади”, деган доно нақли бор. Мўл ҳосил етиштириш учун унумдор ер билан бир қаторда меъёрида қўлланилган минерал ўғитлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда фермер хўжалиқларини етарлича кимёвий ўғитлар билан таъминлаш, улاردан тежамкорлик билан ва ўз ўрнида фойдаланишни йўлга қўйиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ва унумдорлигини оширишда минерал ўғитларнинг ўрни катта ва аҳамиятлилиги фан ва амалиётда ўз тасдиғини топган. Экин экиш, уни парвартиш этиш ва мўл ҳосил олиш учун деҳқонга ёрдам берувчи омиллардан бири минерал ўғитларнинг сифатли, қўлай, арзон ҳамда самарали бўлиши деҳқоннинг машаққатли фаолиятини енгилаштириш билан бирга, деҳқончиликдаги янги муваффақиятларга, янги ютуқларга чорлайди.

Маҳсулот сертифициланган.

maxam chircchiq МАХАМ-ЧИРЧИҚ

КАС – суюқ азотли ўғити, ўз таркибида азотнинг нитрат, аммоний ва амид турларини мужассамлаб, ўсимликларнинг узоқ вақт мобайнида азот билан озиклантиришни таъминлайди. Барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун экишдан аввал ва кейин, илдиздан ташқари ва илдиз орқали озиклантиришда қўллаш мумкин.

ТАРКИБИДА 27-33% АЗОТ МАВЖУД

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.

Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08. Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chichiq.uz www.maxam-chichiq.uz

Маҳсулот сертифициланган

Тақдирлар

Кўзнинг сўнги кунлари. Ҳовлидаги мевали дарахтларнинг барги қизғиш-сарғиш тусга кириб, доимо саришта турадиган саҳна ўзгача зеб бериб турибди.

– Чаққон-чаққон қимирланг, келин! Ҳаммадан аввал дастурхон бошига ўтиришга устасиз-ку, ишга келганда имиллайсиз-а... Айвонда офтобга тобланиб ўтирган Шарифа ая овози борича шанғиллади.

Озода қайнонасига “қимирлаяман-ку”, деган маънода қаради. Бор кучини тўплаб, белкуракни ерга қадади-да, бир оёғи билан босди. Шу пайт биқинида кучли санчик пайдо бўлди. Жудам кучли. У орқидан ихраб юборди. Дўппайган қорнини чангаллаб ярим ағдарилган ерда буқчайиб қолди. Бир лаҳзада кўзига ёруғ олам мистонга айланди.

– Ойижо-о-он!
Агар Шарифа аянинг ўрнида бошқаси бўлганида, дарров ой-куни яқин келинининг ёнига югуриб келган бўларди. Лекин ая анойилардан эмас. Келинига озгина ён беришни бутун обрўсининг тўқилиши билан тенглаштиради. Ҳозир ҳам ерда думалаб ётган келинини томоша қилиб тураверди.

– Ҳа, нима бало бўлди яна? Жуда аёёрсиз-да, келин! Илонсиз ўзиям, илон!
– Ойи!!
Озоданинг бахтига яхшиям эри дарвозадан кириб келиб қолди.
– Сенга нима бўлди? – Илёс хотинининг ёнига югуриб келди.
– Ойи, ёрдамлашсангиз-чи, энди нима қиламиз?
– Мунча ҳовлиқмасанг! Хотин деса ўзингни томдан ташлайсан-а! Бор, обориб ташла баннисага. Касал бўлса, кўзимга кўринмай ўша жойда ётсин!
Шарифа ая ўз уйига кириб кетди. Илёс хотинига елка тутиб, машинага чиқарди. Касалхона томон автоулловни елдек учириб кетди.

– Озода Омонованинг қариндошларидан

ким бор? Ҳамшира қизинг жарангли овози Илёснинг хаёлини тўзғитиб юборди. Шоша-пиша ўрнидан туриб, эшик ёнига келди:

– Мен, Озоданинг турмуш ўртоғи бўламан!
– Марҳамат, ичкари кириг. Сизни доктор сўраяпти.
– Хотиним тузукми?
– Ҳозир доктор билан ўзингиз гаплашасиз. Мен билан юринг!

Илёс итоткорлик билан ҳамширага эргашди.
– Хотинингизнинг аҳволи яхши. Аммо... болани сақлаб қололмадик. Йўлдош бевақт кўчган. Бу оғир меҳнат, қувватсизликнинг оқибати. Хотинингиз оғир юк кўтарганмиди?

Илёс бошини ушлаганича ўтириб қолди. Кўз ўнгидан Озоданинг унга хотин бўлганидан буён кўрган машаққатлари, ҳар куни онасининг қистови билан зарур бўлса-бўлмаса бажарадиган оғир юмушлари ўтди. Лекин буларни тилига чиқармади.
– Билмадим... – деди паст товушда.

Озодага докторлар икки-уч йил ҳомиладор бўлмасликни тайинлашди. Бу унинг саломатлиги учун ҳавфли эди. Бирок бу гап Шарифа ая учун янги мавзу бўлди-қўйди.
– Уч йил сени пойлаб умри ўтадим, боланинг, а? Бекорларни айтибсан!!!

– Майли, ойи, агар ўғлингни унаса, бошқасига уйлантира қолинг!
– Нима? Уйлантиринг? Сизнингча, уйлантириш осон экан-да! Сени бу уйга олиб келиш учун қанча ҳаражат қилганимни биласанми ўзи?
– Нима қил дейсиз, ойи? У десам, бу дейсиз. Нима қилсам, мени тинч қўясиз? Ахир, менинг айбим нима?
– Сайрама менга, булбулигўё! Тилинг чиқиб қолибдими? Биласанми, нима қиламан? Сен ўғлининг бошини айлантириб унга тегиб олдинг, тўғрими? Энди мендан кўрасан, кўз олдинда уни уйлантираман.



Шахло ТОШБЕКОВА

– Илёс ака, сиз ҳам қийналиб кетдингиз, оймларнинг менга меҳри илимайдиған кўринади. Улар... сизни уйлантирмақчилар. Мен... менинг жавабимни берақолинг.
– Нималар деяпсан, Озода? Сенсиз яшай олармиканман мен? Яна озгина сабр қил. Инсоф кириб қолар оймларга ҳам.
– Инсофга келгунларича, кўкариб чиқаман чоғи. Қийналиб кетдим, Илёс ака! Озода тўлиб-тўлиб йиғлай бошлади. Йўқ, у ҳадеганда эрига дийдиё қиллаверадиган хотин эмасди. Фақат бугунги жанжал унинг суяк-суягидан ўтиб кетганди.

Илёс уни юпатди. Ҳали ҳаммаси яхши бўлишини айтиб, таскин берди. Эркалади. Озода эрининг ширин гапларига овуңди. Кетиш фикридан қайтди. Лекин эрини фарзанд кўриш ҳақидаги таклифига кўндирди олди.
– Сенга бирор гап бўлса, чидаёлмайман. Операция бўлганига бир йил бўлди холос-ку, нега жонингни гаровга қўясан?
– Худо асраса, ҳеч гап бўлмайди. Мен

ойижоннинг набирали бўлгач, юмшаб қолишларидан умид қилаяман...

Озода оғироёқ бўлди яна. Бу гал олдингисидан ҳам қийинроқ кеча бошлади. Ҳарчанд ўзини эҳтиёт қилишга ҳаракат қилса-да, уддасидан чиқолмасди. Шарифа ая қарий ўн беш йилдан буён туёқ қирмаган оғилхонага иккита новвосни боғлатиб қўйди. Озода мана шу ҳайвонларга ҳар куни катта қозонда атала, катта тоғорада “төрт” қилиб бериши керак. Яна олам-жаҳон пояни чолқида майдалаб қирқизи, йиғирма пақирлаб сув ташиб бериши лозим.

Унга раҳми келган эри дарвоза тағидаги водопроводга улаш учун эллик метрли резина шланг олиб келиб берганди, Шарифа ая кўриб, уни йиғиштириб қўйди. Нима эмиш, ҳайвонлар кўча бошидаги анҳордан келтирилган сувдан ичиши шарт экан!
–Эй, Худойим, мени ва норасидамни ўзинг асра! Эсон-омон бағримга босиб олишимга ёрдам бер! Озоданинг дилидан ҳам, тилидан ҳам шу илтижо тушмай қолди. Бирок...
Уни Аллоҳ асради-ю, лекин қайнонаси асрамасди-да!
Ҳомиласи олти ойлик бўлганда яна тушиб қолди. Бир ой касалхонада даволанишига тўғри келди. Унинг ҳаётга нисбатан қизиқиши сўнганди. Эрига ҳам илтиқ гап айтишни истамасди.
– Ортиқ у хонадонда яшамайман, – деди қатъий оҳангда.

– Шарифахон, келинингиз кўринмайди? Оғирроёқ деб эшитгандим, тузукми? Издихомдаги бир уй хотин-халажнинг эътибори Шарифа аяга қаратилди.

– Совуқда қолган новдадай бўлмай ўлсин, ўша келин туғишни эплармиди? Тушиб қолган. Ҳозир баннисада ётибди. Тавба, келин бўлиб эшигимга келганига икки йил бўлибдию, ярим умри касалхонада ўтди-я!

Шарифа ая гўё қизиқ кинофильм тафсилотини гапирётгандай, келинининг “қилмиш”ларини узоқ сўзлади. Гапининг охирида қарорини таъкидлашни ҳам унутмади: уни ўғлим билан яшатайман, бошқасига уйлантираман!
Ҳамсоғлардан бири уни ёшларнинг бахтига завоёл бўлмасликка ундаб кўрди: ҳамма нарса-нини уволи бор, Шарифахон. Келинингиз қандақ чиройли, қандақ саришта, чаққон, пазанда-я! Киройи келининг бўлса, шунчалик-да. Кун келиб сизни унинг уволи тутмасайди, айланай.
Ая эса момонинг гапига бепарво қўл силтади: уволга товонни мана мен тўлайман, сизга нима, опоқи?!

...Бу ҳовлида тўй бўлиб ўтганига бир ҳафта бўлаяпти. Лекин ҳали-ҳамон йиғиштирилмаган. Учоқ-қозонлар афрофидида идишлар тупроққа қоришиб ётибди. Утинлар сочилган. Қирхонада икки уюм кир, дастурхону сочиқлар.
Янги келин – Нарғиза Озоданинг тамоман акси. Ўзига пардоз беришни ўринлатадию, лекин иш қилишга келганда эринчоқ, Шарифа ая унга Озодага гапиргани каби аччиқ сўзларни айтолмайди. Чунки унга ўғлини мажбурлаб уйлантирган. Нарғизани ўзи топган, ялиниб-ёлвориб келин қилган.

Аваллари маҳалладаги энг файзли бўлган ҳовли таниб бўлмайдиган ҳолга келди. Ахийри, Шарифа ая иккита жиаянини айтириб келиб, ҳовлини тазалатди. Шунда ҳам янги келин хонана-синдан чиқмади. Авваллари битта пиёланга ҳам юмайидиган ая эндиликда тушликни ўзи тайёрлайди, керак бўлса, кечки овқатни ҳам. Келини касалхонада ҳамшира бўлиб ишлади. Иши тушдан кейин соат учда тугаса ҳам, оқшом чоғи уйга кириб келади.
(Давоми келгуси сонда)

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъҳамаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Мухаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТООИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-440. 1756 нусхада чоп этилди.

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 19.00